



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 6 январь, № 2 (9173)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистоннинг фаол дипломатияси:

2025 йил –

2025 йил Ўзбекистон учун сифат жиҳатдан янгилашни ва ташқи сиёсий позицияни мустаҳкамлаш босқичи бўлди. Геосиёсий кескинлик кучайиб бораётган, глобал институтлар трансформацияси, ресурслар ва бозорлар учун рақобат кучайиб бораётган мураккаб ҳамда ноаниқ халқаро вазият шароитида Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида очик, прагматик, фаол ва ташаббускор ташқи сиёсат изчил амалга ошириб келинмоқда.

Биз ва жаҳон

Айнан шундай ёндашув нафақат ташқи алоқаларнинг барқарорлигини сақлаб қолиш, балки уларга мамлакатнинг узоқ муддатли манфаатлари ва ички ривожланиш вазифаларига мос келадиган янги мазмун бахш этиш имконини берди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2025 йил 26 декабрь куни Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, кейинги пайтда юртимиз глобал масалалар муҳокама қилинадиган халқаро мулоқот майдонига айланиб бормоқда.

Янги Ўзбекистоннинг дипломатик стратегияси мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ажралмас қисми сифатида иқтисодиётни

модернизациялаш, инвестициялар, хорижий сайёҳларни жалб этиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш учун қўлай шароитларни шакллантириш, гуманитар ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган. Очиклик, тенг ҳуқуқли шериклик, ўзаро ҳурмат, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилиш таъминловчи доимо ташқи сиёсий йўлнинг асосини ифодалаган.

Дунёнинг кўзга кўринган етакчилари билан олий даражадаги сиёсий мулоқот янги босқичга кўтарилди ва мунтазамлик касб этди. АҚШ, Хитой, Россия, Франция, Италия, Туркия, Жанубий Корея, Япония, Малайзия ва қатор араб дав-

ЖАДАЛ МУЛОҚОТДАН АНИҚ НАТИЖАЛАРГАЧА

латлари раҳбарлари билан янги келишувларга эришилди. 2025 йилда давлат ва ҳукумат раҳбарлари даражасидаги икки томонлама учрашувлар сони 55 тадан ошгани хорижий ҳамкорлар билан ўзаро ишонч ортиб бораётганидан далолат беради.

Юқори даражадаги фаол сиёсий мулоқотни ривожлантириш жараёнида ҳам шунга ўхшаш тенденция кузатилди. Йил давомида Ўзбекистоннинг юқори даражадаги делегациялари сайёраамизнинг деярли барча муҳим минтақаларини қамраб олган ҳолда дунёнинг 93 давлатига 172 та ташрифни амалга оширди. Халқаро кун тартибини тўлдиришда вазирликлар, идоралар ва минтақавий маъмуриятлар вакиллари ҳам муҳим роль ўйнади, улар дипломатик миссиялар кўмағида 50 дан ортиқ мамлакатларга 300 га яқин хизмат сафарларини амалга оширдилар, бу эса ташқи алоқаларни амалий йўналтирилган даражага олиб чиқиш имконини берди.

Ўзбекистон фаол мезбон сифатида жаҳон дипломатияси марказларидан бирига айланди. Юртимизда Парламентлараро Иттифок, БМТ фуқаролик хизмати, ЮНЕСКО Бош

конференцияси, Халқаро иқлим конференцияси, минтақа мамлакатларининг Тошкент саммити ва бошқа қатор йирик анжуманлар ташкил этилгани ҳам бунга яққол тасдиқлайди. Мамлакатимизда 120 дан ортиқ юқори даражадаги делегациялар, хорижий давлатларнинг 300 га яқин минтақавий бошқарув органлари делегациялари бўлди. Ушбу мулоқотлар ҳудудлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш, ишбилармон доиралар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш ва шартномавий-ҳуқуқий базани кенгайтиришга хизмат қилди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий стратегиясида Марказий Осиё аънавий равишда алоҳида ўрин тутди. 2025 йилда ушбу устувор йўналиш янада институционал ривожлантирилди. Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида раислик қилди ва у биринчи марта алоҳида комплекс дастур асосида амалга оширилди. Унинг доирасида иқтисодий ҳамкорлик, транспорт бонглиги, экология, сув ресурсларидан оқилон фойдаланиш ва гуманитар алмашинув масалалари қамраб олинди.

Йигирмадан ортиқ йирик

тадбирларнинг ўтказилиши ва Тошкентда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган минтақа давлатлари раҳбарларининг тарихий саммити мазкур дипломатиянинг йил якуни бўлди ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг ишончли чуқурлаштириш ва биргаликда ривожланишга интилишини тасдиқлади.

Бугун биз кенг минтақамиз узоқ вақтдан бўён биринчи марта жаҳон сиёсатининг яхлит, тўлақонли субъектига айланмоқда деб ишонч билан айта оламиз. Халқаро ҳамжамиятнинг эътибори тобора ортиб бораётгани, глобал майдонда мазкур ҳудудга бўлган муносабат ўзгаргани шундан далолат беради. “Марказий Осиё плюс” форматларининг ривожланиши бунга ёрқин мисолдир, улар 2025 йилда янги аниқ амалий мазмун билан бويинди. Европа Иттифоқи, Хитой, Россия, АҚШ ва Япония билан саммитларнинг ўтказилиши минтақанинг глобал сиёсатдаги роли ошганини яққол кўрсатди ҳамда унинг барқарорлик, башорат қилиш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик макони сифатидаги мавқеини мустаҳкамлади.



ЗАМОНАВИЙ МЕҲНАТ БОЗОРИ АРХИТЕКТУРАСИ

Мамлакатимиз етакчисининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида касбларни ривожлантириш ҳамда янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш давлат сиёсатида тўртинчи устувор йўналиш сифатида белгилаб берилди. Бу ёндашув меҳнат бозорини тубдан ислоҳ қилиш, уни глобал тенденциялар билан уйғунлаштириш ва инсон капиталидан самарали фойдаланиш зарурати билан изоҳланади.

Муносабат

Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли даромадларини ошириш, турмуш даражасини юксалтириш ва ишсизликни камайтириш масалалари кўп жиҳатдан ишчи кучининг рақобатбардошлигини оширишга боғлиқ. Меҳнат бозори маҳалла кадрларни талаб ва тақлим асосида тизимли равишда тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлашни таъминловчи институционал механизм сифатида шаклланиб бормоқда.

Глобал трансформациялар, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши, сунъий интеллект технологияларининг жорий этилиши ва иқлим ўзгариши меҳнат бозорига янги имкониятлар билан бир қаторда муайян хатарларни ҳам юзага келтиради. Бу жараёнлар Ўзбекистон

иқтисодиётини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, ҳудудлар ўртасидаги номуносибликларни камайтириш ҳамда аънавий тарзда паст иш билан таъминланган ҳудудларда иш ўринлари яратишда халқаро тажриба ва ички имкониятларимиздан кенг фойдаланишни талаб қилади.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, янги технологиялар, рақамлаштириш ва сунъий интеллект таъсирида дунёда иш ўринларининг сони, шакли ва мазмуни кескин ўзгармоқда. Яқин беш йилда мавжуд касбларнинг 30 фоизи тўлиқ автоматлаштирилиши, 50 фоизи бўйича эса янги малакалар талаб қилини кутилмоқда.



Сиёсий партиялар фракцияларида

ЯНГИЛАНАЁТГАН «ЎЗБЕКИСТОН – 2030» СТРАТЕГИЯСИ – КЕЛАЖАГИМИЗ АСОСИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган масалалар атрофида кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб “Мамлакатнинг 2030 йилгача мўлжалланган тараққиётнинг устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Президент Фармони лойиҳасининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар янгилаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.



Йиғилишда партия ва унинг парламентдаги фракцияси аъзолари Стратегия лойиҳасини такомиллаштириш бўйича ўз тақлифлари, тавсияларини бериш билан бирга бу жараёнда фаол иштирок этиши, электрорат манфаатларидан келиб чиқиб, аниқ тақлифлар бериши лозимлиги ургуланди.

Шундан сўнг фракция аъзолари “Қўриқлаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.



2026 йилда:



маҳаллалар қиёфасини янада гўзал ва обод қилиш борасидаги ишлар тизимли давом эттирилади, маҳаллаларни ривожлантириш бўйича комплекс ёндашув жорий қилинади;

ҳар бир вилоятда 2-3 тадан турманни танлаб, улардаги ҳамма маҳаллада барча муаммоларни бир вақтнинг ўзида ҳал қиладиган тизим яратилади;

жорий йилда 544 миллиард сўм ажратилиб

танлаб олинган 33 та туман ва шароити оғир 330 та маҳалладаги ишлар ҳам шундай ташкил қилинади;

бу янги тажриба Ургут туманидан бошланган бўлиб, туманда 100 минг аҳолига мўлжалланган замонавий экошаҳар бунёд қилинади;

72 та боғча, мактаб, поликлиника, шунингдек, ички йўллар қурилади ва таъмирланади, каналлар бетон билан қопланади, 2 та сел-сув омбори барпо этилади;

уларда бир вақтнинг ўзида тадбиркорлик инфратузилмаси ҳам ривожлантирилади. Ушбу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 8,5 триллион сўм маблағ ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан.

Сўнги беш йилда 6 минг мегаваттли куёш, шамол ва гидроэлектр станциялари ишга туширилди ҳамда умумий генерацияда «яшил» энергиянинг улуши 30 фоизга етди.

2026 йилда:

маҳаллалардаги аҳолини, хусусан, хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, бунинг учун зарур инфратузилмани яратиш бўйича уч йиллик дастур қабул қилинади ва унинг ижроси учун

1 триллион сўм

маблаг йўналтирилади;

9-синф битирувчиларини фанларни ўзлаштириши ва касбий қизиқишига қараб саралаб олиш тизими жорий қилинади. Бунда олийгоҳларга кириш истагида бўлмаган ёшлар техникумларга юборилади;

шу билан бирга,
2026 йилдан бошлаб

ҲАР ЙИЛИ КАМИДА
100 ТАДАН ТЕХНИКУМНИ
ТЎЛҚИ ТАЪМИРЛАБ,
ТЕХНОЛОГИК ВА ТАЛАБ
ЮҚОРИ БЎЛГАН КАСБЛАРГА
МОС ХОЛДА ЖИХОЗЛАБ
БОРИЛАДИ;

ГЕРМАНИЯ, ШВЕЙЦАРИЯ,
БЮК БРИТАНИЯ, ХИТОЙ,
ЖАНУБИЙ КОРЕЯ КАБИ
ДАВЛАТЛАРНИНГ ИЛГОР ТАЪЛИМ
ДАСТУРЛАРИ ЖОРИЙ ҚИЛИНГАН
ТЕХНИКУМЛАР СОНИ
100 ТАГА
ЕТКАЗИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан.

УЙҒОҚ ҚАЛБЛАРГА ИШОНЧЛИ ДАЪВАТ

Хабарингиз бор, 2025 йил якуни арафасида давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатнома йўллаб, ўтган вақт давомида қилинган ишлар сарҳисоби ҳамда олдимизда турган вазифалар борасида сўз юритди. Кўнгилларга ишонч бағишлаган, умид уруғларини қадаган, шу билан бирга, катта масъулият юклаган ушбу даъват халқимиз қалбига улкан акс садо берди, десак, муболага эмас. Мурожаатномада мамлакатимиз келажаги ва халқимиз умиди ҳисобланган ёшларга қарата айтилган фикрлар ҳам уларнинг юракларини тўлқинлантирди, олға одимлаш учун янада куч-ғайрат бахш этди.

Фикр

Навқирон авлод учун тарихий чорлов

Авазбек АРАББОВЕВ,
Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги
Ёшлар парламенти аъзоси:



— Юртбошимиз томонидан Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўлланган навбатдаги Мурожаатнома мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа бўлиб, унда келгуси тараққиёт йўналишлари, устувор вазифалар ва ислохотларнинг янги босқичи аниқ белгилаб берилди.

Мурожаатнома мазмуни давлат бошқаруви, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, парламент фаолияти ва жамиятни юксалтириш масалаларини қамраб олди. Президентимиз парламент фаолиятига алоҳида тўхталиб, қонун ижодкорлиги сифатини ошириш, назорат механизмларини кучайтириш ва халқ билан мулоқотни янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. Бу талаблар Олий Мажлис фаолиятини фақат қонун қабул қилувчи эмас, балки ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш йўлидаги муҳим қадамдир.

Эътибор қаратилган муҳим йўналишлардан бири — коррупцияга қарши ку-

раш масаласи. Давлатимиз раҳбари бу борада аниқ ва қатъий позицияни билдириб, "Коррупция — давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид. Коррупцияга йўл қўйиш эса ислохотларимизга хиёнатдир!" дея қайд этди.

Биз, Ёшлар парламенти аъзолари Мурожаатномада белгилаб берилган устувор йўналишларни тенгдошлар орасида кенг тарғиб этиш, айниқса, коррупцияга қарши мurosасиз муҳитни шакллантиришга ҳисса қўишни ўз олдимизга муҳим вазифа сифатида белгилаб олдик. Навқирон авлодни ҳалоллик, масъулият ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш йўлида ёш тарғиботчи сифатида ҳамиша олдинда бўламиз. Чунки Юртбошимиз белгилаб берган бу тарихий вазифалар фақат давлат идоралари эмас, балки бутун халқимиз, айниқса, бизнинг иштирокимизда рўёбга чиқажак.

Янги Ўзбекистоннинг эртасини қуришда фаол куч

Гулбаҳор АБДУКАРИМОВА,
Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги
Ёшлар парламенти аъзоси:

— Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлик, ташқи очкилик ва инсон капиталига таянган ҳолда янги тараққиёт босқичига кириб бораётганини

яққол намоён этди.

Президентимиз нутқида иқтисодий тараққиёт ва халқаро муносабатлар ўртасидаги узвий боғлиқликка алоҳида урғу берилди. Сўнгги йилларда юртимиз очик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат олиб бормоқда. Янги инвестиция келишувлари, стратегик шерикликлар ва халқаро молиявий институтлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ана шу сиёсатнинг амалий натижаси, десак, адашмаймиз.

Шунингдек, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қўшни давлатлар билан ишончли муносабатларни ривожлантириш ҳамда глобал майдонда фаол дипломатик иштирок этиш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Бу жараёнларнинг узоқ муддатли самараси, аввало, навқирон авлод билан чамбарчас боғлиқ. Билимли, ташаббускор ва глобал фикрлайдиган ёшлар жонажон диёримизнинг халқаро рақобатбардошлигини таъминлайдиган асосий кучдир. Шу маънода, уларнинг сиёсати иқтисодий ва ташқи сиёсий стратегиянинг узвий давоми саналади.

Ёшлар парламенти аъзоси сифатида бизнинг асосий вазифамиз Юртбошимиз белгилаб берган устувор йўналишларни йигит-қизлар орасида кенг тарғиб этиш, уларнинг билим ва салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган ташаббусларни илгари суриш ҳамда ёшларни мамлакат тараққиётига дахлдор, фаол ва масъулиятли фуқаролар сифатида шакллантиришдан иборат. Айнан шундай ёндашув орқали учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини улар билан бирга барпо этамиз.



Ёшлар парламенти ривожига муҳим қадам

Нурмуҳаммадхон МУХИТДИНОВ,
Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги
Ёшлар парламенти раҳбари
жамоаси аъзоси:

— Мамлакатимиз етакчисининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси том маънода қалбларимизни тўлқинлантирди, шунингдек, зимманимизга катта масъулият ҳам юкледи.

Мурожаатнома нафақат олдимиздаги йилларга мўлжалланган режалардан иборат ҳужжат, балки давлатимиз тараққиётининг аниқ "Йўл харитаси" бўлди.

Давлатимиз раҳбари унда жорий йил қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизими учун алоҳида аҳамиятга эга бўлишини таъкидлаб, парламент зиммасига олиши керак бўлган муҳим вазифаларни белгилаб берди. Ислохотлар натижасида жамиятда парламент фаолиятига бўлган эҳтиёж ортиб, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш орқали тараққиёт суръатларини тезлаштириш мақсад қилиб қўйилди.

Бу жараёнда биз, ёшлар, айниқса, Ёшлар парламенти аъзоларининг ўрни катта. Биз Мурожаатномада белгиланган вазифаларни ҳаёта татбиқ қилиш, аҳолига кенг тушунириш ишларини олиб бориш, янги ғоя ва ташаббуслар билан ислохотларга муносиб ҳисса қўишда давом этамиз.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

«Asia Trans Gas»:

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ, ХАВФСИЗЛИК ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ

2008 йилда Ўзбекистон — Хитой энергетика ҳамкорлиги доирасида ташкил этилган "Asia Trans Gas" қўшма корхонаси минтақавий газ-транспорт тизимининг муҳим бўғини ва ўзаро манфаатли шерикликнинг ёрқин намунасига айланди. "Ўзбекнефтегаз" АЖ ва "Trans-Asia Gas Pipeline Company Limited" (TAPLINE) ўртасидаги ишонч ҳамда стратегик ҳамкорликка таяниб компания табиий газнинг ишончли транзитини таъминлаш ва кенг қўллаган халқаро лойиҳаларни амалга ошириш вазифасини изчил бажариб келмоқда. Йиллар давомида "Asia Trans Gas" минтақанинг энергетик барқарорлиги ва иқтисодий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиб, икки томонлама ҳамкорликнинг етакчи иштирокчиси сифатида ўзини намоён этди.

Ўзбекистон ҳудудидидаги магистраль газ қувури йўлаги Қашқадарё, Бухоро ва Навоий вилоятлари орқали ўтиб, нафақат ҳудудларни, балки минглаб инсонлар тақдирини боғлаб келмоқда. "Asia Trans Gas" фаолияти маҳаллий аҳоли учун барқарор ривожланиш манбаига айланди: 600 га яқин доимий иш ўринлари ва 10 мингдан ортиқ билвосита бандлик имкониятлари ҳудудларнинг иқтисодий асосини мустаҳкамлади, оилалар учун барқарор даромадни таъминлади ҳамда компания жойлашган ҳудудларнинг уйғун ривожланишига ҳисса қўшди.

Экология ва «яшил» тараққиёт йўли
Инсон ва табиат уйғунлиги тамойилига амал қилган ҳолда, "Asia Trans Gas"

экологик ташаббусларни изчил амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунда газ қувури трассаси бўйлаб 220 минг квадрат метрдан ортиқ сомонли тўсиқлар кўча қумларни ушлаб турувчи табиий қалқон вазифасини бажармоқда. Маҳаллий ўсимликларни экиш билан уйғунлашган ушбу чора-тадбирлар чанг ҳосил бўлишини 30 фоиздан ортиқча камайтириш имконини берди. Қайта тикланган ерларда 30 мингдан ортиқ дарахт ва буталар — қайрағоч, жийда ва саксовул экилиб, улар ҳар йили қариб 370 тонна углеродни ўзлаштириб, ҳаёт ва барқарорликнинг "яшил белбоғи"ни ҳосил қилмоқда.

Экологик самара технология ечимлар орқали ҳам мустаҳкамланмоқда. Компрессор ускуналарини оптимallasштириш йилига тахминан 15 млн.

куб метр газни тежаш ва ташиш ҳажмини яна 30 млн. куб метрга ошириш имконини беради, бу эса CO₂ чиқиндиларини сезиларли даражада камайтиради. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган "Яшил белбоғ" лойиҳаси Навоий ва Бухоро вилоятлари экология идоралари томонидан эътироф қилинди ҳамда Ўзбекистон ва Хитойнинг экологик цивилизацияни шакллантириш борасидаги қўшма саъй-ҳаракатларини акс эттирувчи муваффақиятли халқаро "ESG-кейс" сифатида тан олинди.

Комплаенс ва ҳалол бошқарув маданияти

"Asia Trans Gas"нинг барқарор ютуқлари замирида халқаро стандартларга мувофиқ қурилган замонавий бошқарув тизими ётади. Компания шаффофлик, масъулият ва ҳалол бизнес юритиш маданиятини изчил шакллантириб келмоқда. Ушбу тамойиллар узоқ муддатли тараққиёт ва барқарор шериклик учун мустаҳкам ишонч пойдевориға айланди.

Қайд этиш жоизки, "Asia Trans Gas" Ўзбекистонда биринчи бўлиб ISO 37301 сертификатини қўлга кириштириб, муво-



фиқлик тизимининг халқаро стандартларга жавоб беришини расман тасдиқлади. Коррупцияга қарши курашни кучайтириш мақсадида 20 дан ортиқ ички қоидалар ишлаб чиқилди, 3 мингдан ортиқ лавозим тавсифлари таҳлил қилинди ва даражалар бўйича таснифланган коррупция хавфи харитаси тузилди. Барча шартномаларда коррупцияга қарши бандлар жорий этилган бўлиб, қондабузарликлар учун шаффоф санкциялар, жумладан, шартномани бекор қилиш шартлари белгилаб қўйилди.

Ушбу тизимли ишлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилди: 2025 йилда "Asia Trans Gas" сифатни бошқариш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик бўйича ISO 9001, ISO 14001 ва ISO 45001 стандартлари асосида "TUV" халқаро "Олтин сертификат"ини қўлга киритди.

Хавфсизлик — олий қадрият

"Asia Trans Gas" учун инсон ҳаёти ва атроф-муҳит хавфсизлиги сўзсиз устувор йўналиш ҳисобланади. Компания ходимлар учун ўқув машғулотлари, амалий тадбирлар ва танловлар ўтказиш орқали хавфсиз ишлаб

чиқариш маданиятини шакллантириб келмоқда.

2025 йилда "Ёнғин хавфсизлиги учун долзарб 30 кун" ташаббуси амалга оширилиб, Бухоро магистраль газ қувурларини бошқариш бўлими объектларида ёнғин хавфини камайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ўтказилди. Ушбу ишлар натижасида "учта ноль" концепцияси — миллион километр ташишда жараҳатлар, меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ шикастланишлар ва ўлим ҳолатларининг ноль даражасига эришилди.

Халқаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш

Компания фаолияти ички лойиҳалар билан чекланиб қолмай, халқаро ташаббусларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Октябрь ойида Бухоро шаҳри "CNPC"нинг "Бир макон, бир йўл" халқаро касбий маҳорат мусобақасига мезбонлик қилди. Унда олти давлатдан келган 80 нафардан ортиқ мутахассислар ўз билим ва тажрибасини намоён этди.

Мусобақанинг юқори савияда уюштирилгани "CNPC" томонидан алоҳида эътироф этилди.

Ижтимоий масъулият — келажакка сармоя

"Asia Trans Gas" стратегиясида ижтимоий масъулият алоҳида ўрин тутди. Компания таълим, ижтимоий ҳимоя ва маҳалла инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган ташаббусларни изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жумладан, кўриш қобилияти чекланган болалар учун ўқув жиҳозлари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига топширилди, "Маҳалла кутубхонаси" лойиҳаси доирасида маҳалла кутубхоналари китоблар билан бойитилди, олий таълим муассасалари учун замонавий ўқув ва мультимедиа ускуналари тақдим этилди.

Умуман олганда, "Asia Trans Gas" фаолияти иқтисодий ўсish, экологик мажбуриятлар ва институционал мустаҳкамланишнинг уйғунлаштирилган мувозанатли ривожланиш моделини намоён қилмоқда. "Бир макон, бир йўл" ташаббуси ва "Ўзбекистон — 2030" стратегияси устувор йўналишларига таянган ҳолда, компания барқарор ривожланиш тамойиллари ва халқаро бошқарув стандартларини қундалик амалиётда изчил жорий этиб, мамлакат ва бутун минтақанинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётганини исботламоқда.

«Asia Trans Gas» МЧЖ ҚҚ матбуот бўлими.

Шу йилдан бошлаб техникумларда таълим олаётган 100 минг ўқувчига илк бор стипендия тўланади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 31 016 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлантирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер терминали ҳафтада оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳас — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6